

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ИКРОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕСДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН
Фойдаланиш самарадорлигини ошириш
(Наманган вилояти мисолида)**

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in economic sciences**

Кенжаев Икром Эргашбоевич

Кичик бизнесда хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида)..... 3

Кенжаев Икром Эргашбоевич

Повышение эффективности использования иностранных инвестиций в малом бизнесе (на примере Наманганской области)..... 27

Kenjaev Ikrom Ergashboyevich

Improving the efficiency of using foreign investments in small businesses (on the example of the Namangan region)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ИКРОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕСДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН
Фойдаланиш самарадорлигини ошириш
(Наманган вилояти мисолида)**

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt.858 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Байхонов Баходиржон Турсунбаевич
иктисодиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Муфтайдинов Қиёмиддин Хамдамович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Арипов Ойбек Абдуллаевич
иктисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.I.66.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 13 сентябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (А413-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил 26 август куни тарқатилди.
(2021 йил 25 августдаги 4 – рақамли реестр баённомаси).



Ш.Д. Саидбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

Р.Б. Исмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н.

Р.И. Исраилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XX асрда жаҳоннинг етакчи мамлакатлар иқтисодий ривожланишида ижтимоий йўналтирилганлигининг ортиб бориши жамият ҳаётидаги иқтисодий эҳтиёжларни қондиришгагина эмас, балки ижтимоий муаммоларининг ҳал этилишига муносиб ҳисса қўша оладиган тадбиркорлик фаолиятининг кичик бизнес соҳаси аҳамиятини ортишига олиб келди. Шунга мувофиқ ривожланган мамлакатлар тажрибасида кичик бизнес соҳаси иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини муттасил ошириб бориш каби масалаларни ҳал этишга салмоқли, ижобий таъсир кўрсатиши яққол намоён бўлмоқда.

Тадқиқотларда қайд этилишича, агар XX асрнинг 80-йиллари АҚШда 1,5 млн. кичик корхона фаолият юритган бўлса, уларнинг сони 2010 йилга келиб 7 млн.тага етди. АҚШда иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви билан боғлиқ таркибий ўзгаришларни амалга ошириш даврида кичик бизнесни ривожлантириш иқтисодиётни қайта қуришдаги асосий омилга айланди. Кичик корхоналар мамлакатдаги барча инновацияларнинг 55%дан кўпроқ қисмини таъминлади, бу соҳада банд бўлган ҳар бир ходимга тўғри келувчи самара йирик корхоналардагидан кўра икки баравар кўпроқ бўлишига эришилди¹. Кичик бизнес фаолияти кўламлари кенгайиши ва самарадорлиги юксалиши дунёнинг барча мамлакатларида замонавий таркибий ўзгаришларни олиб боришдаги муҳим ва ўта долзарб йўналиш сифатида ўзини намоён этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни модернизациялаш, эркинлаштириш, глобализациялаш шароитида миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини жаҳон хўжалигига интеграциясини жадаллаштириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш учун замонавий технологияларга асосланган, бозоргир маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни жадал йўлга қўя оладиган кичик бизнес субъектларини шакллантириш зарурияти кечиктириб бўлмайдиган муҳим йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш: миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш...»²

¹ Гражданкин В.А., Гражданкина О.А. Практика государственной поддержки малого и среднего предпринимательства в США и странах Европейского союза. – М. <https://cyberleninka.ru/article/n/praktika-gosudarstvennoy-podderzhki-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-v-ssha-i-stranah-evropeyskogo-soyuza>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони 1-илоvasи. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Манба: <https://lex.uz>.

бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг тўлақонли адо этилиши мамлакатимиздаги мавжуд технологик ва молиявий ривожланиш даражаси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хорижий инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши масаласи ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг тармоқ соҳалараро йўналишлари, жалб этилиш шарт-шароитлари ва самарадорлигини мамлакатимизнинг алоҳида олинган ҳудудларида ҳам илмий тадқиқ этиб борилиши зарурияти намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ва унинг таркибий қисми бўлган кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг турли жиҳатлари қатор чет эллик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари Р.Вернон, А.Акамацу, К.Коджима, Э.Портер, К.Мейер, Р.Баррел, Л.Кркоса, Х.Томанн, Ж.Даннинг, Р.Наруло каби етакчи хорижлик олимлар³ томонидан тадқиқ этилган.

³ Vernon, R. International Investment and International Trade in the Product Cycle / R. Vernon // The Quarterly Journal of Economics. – London, 1966. – Vol. 80 (2). – P.253.; Akamatsu, K.A. Historical Pattern of Growth in Developing Countries / K.A. Akamatsu // The Developing Economies. – 1962, March- August. – Vol. 1.; Kojima, K. Micro and Macro- economic Models of Direct Foreign Investment: Toward a Synthesis / K. Kojima, T. Ozawa // Hitotsubashi Journal of Economics. – 1984. - №.25 –P. 11-20.; Porter M. The Competitive Advantage of Nations. - New York: The Free Press, 1990. – 255 pp.; Meyer K., Pind C. The slow growth of foreign direct investment in the Soviet union successor states // The economics of transition. - London, 1999. – Volume 7, 305 pp. 201-214; Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe. – London: EBRD working paper No. 67, 2001. - 20 p.; Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – С.16.; Dunning J., Narullo R. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // The International Allocation of Economic Activity / Edited by B.Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. - pp. 395-418;

Ривожланаётган давлатларда хорижий инвестицияларнинг кичик бизнес соҳасида шаклланиши ва ривожланиши масалалари рус олимларидан А.А.Агафонов, В.К.Бугаев, Ф.С.Тумусов, Л.В.Давыдова, С.В.Ильминская, Е.Кочерин, З.Вдовенко, М.С.Ильясов, О.В.Фадеева, В.К.Спильниченко ва Л.А.Саркисянларнинг⁴ илмий ишларида асослаб берилган.

Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, ундан самарали фойдаланишнинг назарий-амалий жиҳатлари А.В.Вахабов, Ш.Ф.Юлдашев, О.Абдуллаев, Н.Н.Содиқов, Б.Т.Байхонов, С.Насретдинов, Р.З.Юлдашев, Д.Д.Рустамова, Н.Г.Каримов, Э.А.Махмудов, У.У.Иноятов⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишларининг талайгина қисми хорижий инвестицияларни мазмуни, моҳияти ва уни миллий иқтисодиётнинг кичик бизнес соҳасига жалб этиш масалаларига қаратилган. Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишда кичик бизнеснинг ўзига хос жиҳатларига оид алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-20170929525 «Наманган вилоятида мева сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг маркетинг

⁴ Агафонов А.А. Проектное финансирование как форма инвестиционного кредитования малого бизнеса / А.А. Агафонов // Экономика и предпринимательство.- 2014.- №5- ч.1.- С. 711.; Бугаев В.К. Системные свойства региона Регионология №2-2008.-С.10-11.; Тумусов Ф.С. Инвестиционные потенциал региона: теория проблема, практика. М.: «Экономика», 1999. -С.12.; Давыдова Л. В., Ильминская С.В. Формирование стратегии развития инвестиционного потенциала региона на основе оценки инвестиционных процессов //Региональная экономика: теория и практика. - №1 (40). – 2007. – с 17. Кочерин Е. Инвестиции: Политика и стратегия для СНГ инвестиции в России №2. 2002.; Вдовенко З. Политика промышленного развития в регионе. Экономист. №3 – 2005. –С.67-73.; Ильясов М. С. Особенности развития внешнеэкономической деятельности субъектов малого бизнеса зарубежных стран и России на современном этапе. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2004.; Фадеева О.В. Малый и средний бизнес в системе внешнеэкономических связей России. Дисс. канд. экон. наук. – Москва: 2011.; Спильниченко В.К., Саркисян Л.А. Сравнительное характеристика развития малого и среднего бизнеса в России и в странах участниках СНГ // Экономика и предпринимательство, 2016, № 11-2(76), С. 358-364.

⁵ Вахабов А.В., Хажикаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Молия”, 2010. – 10 б.; Юлдашев Ш.Ф. Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Т.: 2001. – 37 с.; Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2009. – 282 б.; Садыков Н.Н. Узбекистан и международные экономические организации // Мировая экономика и международные отношения, 1996, №7; Юлдашев Р.З. Совершенствование управления инвестиционным обеспечением приватизированных предприятий Узбекистана. Монография. Т.: 2009. – 210 с.; Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқларо тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш: Иқтисод фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2019. 14 б. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: Иқтисод фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2006. – 23 б.; Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: Иқтисод фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. 40 б.; Махмудов Э.А. Прямые иностранные инвестиции в экономику Узбекистан: достижения, проблемы и перспективы. – Ташкент: 2007.; Иноятов У.У. Механизм развития предпринимательских структур в условиях модернизации экономических реформ Узбекистана // Бюллетень науки и практики – Bulletin of Science and Practice, 2017, № 12. и др.

стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий-амалий асосларини умумлаштириш ва ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни илмий тавсифлаш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудларда кичик бизнес соҳаси ривожланишини иқтисодий таҳлил қилиш;

кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолатини таҳлил этиш, унинг динамикаси ва хусусиятларини баҳолаш;

хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришнинг ҳудудий инвестицион муҳит кўрсаткичлари ва ўзига хослигига боғлиқлигини аниқлаш;

хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарни ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг истиқболли йўли сифатида тадқиқ этиш;

кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш;

кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштиришнинг илмий ва амалий асосларини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Наманган вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес соҳаси ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, гуруҳлаш, эконометрик таҳлил, сўров ҳамда SWOT-таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётга пандемия таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари тизимида кичик бизнес субъектларига хорижий инвестицияларни жалб этишда молиялаштиришнинг янги усулларини қўллаш, хорижий инфратузилмавий институтлар фаолиятини эркинлаштириш ва давлатнинг рағбатлантирувчи чора-тадбирлари кўламини кенгайтириш йўналишларида янги механизмлар ишлаб чиқилган;

Наманган вилояти кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибадорлиги омиллари тизимлаштирилиб, бу борадаги вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражалари SWOT-таҳлил методи орқали баҳоланган;

худуддаги хорижий инвестициялар иштирокидаги кичик бизнес корхоналари кўп омилли эконометрик таҳлил қилинди ва уларнинг инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омиллар самарадорлиги аниқланган;

Наманган вилоятида кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибадорлиги омилларини эътиборга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг 2021-2026 йиллар бўйича икки хил сценарийда кўп омилли прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган махсус илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

тадқиқот жараёнида яратилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин;

тадқиқотнинг назарий хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртлирида «Иқтисодиёт назарияси», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Хорижий инвестициялар», «Молия ва солиқлар», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг кичик бизнесда хорижий инвестициялардан фойдаланиш борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари, расмий статистик манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг статистик маълумотларидан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар математик ва эконометрик усуллар орқали асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақада кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Наманган вилоятига хорижий инвестициялар оқимининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кичик бизнес субъектлари ролининг ошиши, минтақавий дастурлар ва кичик бизнесни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклифлар ҳамда амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида кичик

бизнес субъектларини рақобатбардошлигини ошириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарадорлигини оширишга доир дастурий ҳужжатлар, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилояти кичик бизнесида хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда жорий этилди:

иқтисодиётга пандемия таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари тизимида кичик бизнес субъектларига хорижий инвестицияларни жалб этишда молиялаштиришнинг янги усуллари кўллаш, хорижий инфратузилмавий институтлар фаолиятини эркинлаштириш ва давлатнинг рағбатлантирувчи чора-тадбирлари кўламини кенгайтириш йўналишларидаги янги механизмлари бўйича ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 июндаги №11/04-20-5037-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятига бевосита таъсир этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда бошқа институционал тузилмалар фаолияти баҳоланган ва 2020 йилда хорижий инвестицияларни кириб келишини ўтган йилга нисбатан 12 фоизга айниқса, кичик бизнесга хорижий инвестицияларни кириб келишини 22 фоизга ошириш имкониятини берган;

Наманган вилояти кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибадорлиги омиллари тизимлаштирилиб, бу борадаги вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражалари SWOT-таҳлил методи орқали баҳолаш натижалари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 июндаги №11/04-20-5037-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги хорижий инвестицияли корхоналарда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги ортишига олиб келган. Жумладан: «Намимпекс текстил» қўшма корхонасининг 2020 йилдаги рентабеллик кўрсаткичи 2019 йилга нисбатан 15 %дан 35 %га ошди ҳамда 2954,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинишига эришилди. «Тошбулоқ текс» қўшма корхонасининг 2020 йилдаги рентабеллик кўрсаткичи 2019 йилга нисбатан 12 %дан 32 %га ошди, қўшма корхона фаолият самарадорлиги кўрсаткичи сифатида 136 минг АҚШ доллари миқдорида қўшимча маҳсулот экспорт қилинишига эришилди;

ҳудуддаги хорижий инвестициялар иштирокидаги кичик бизнес корхоналари кўп омилли эконометрик таҳлил қилинди ва уларнинг инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини аниқлаш бўйича берилган илмий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Савдо-

саноат палатасининг 2021 йил 16 июндаги №11/04-20-5037-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклиф «Тошбулоқ текс» корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида тарзда 100 фоизга оширилиши, корхона маҳсулот ҳажмининг кўшимча мос равишда экспорт ҳажми орқали 94 фоизга, жами ишлаб чиқариш харажатлари асосида 95 фоизга ва асосий капиталга инвестиция ҳажми хисобидан 41 фоизга ва «Намимпекс текстил» корхонасида ишлаб чиқариш қуввати ва асосий капиталга инвестиция ҳажмини 1 фоизга ошириш орқали корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўшимча 182,5 млн. сўмга ва 62,9 млн. сўмга ошириш учун кўшимча имконият яратган;

Наманган вилоятида кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибадорлиги омилларини эътиборга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг 2021-2026 йиллар бўйича икки хил сценарийда кўп омилли прогнози бўйича таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 июндаги №11/04-20-5037-сон маълумотномаси). Бу илмий таклиф асосида «Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини 2025 йилгача янада ривожлантириш» бўйича мақсадли дастурини айрим бандларини тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, шундан 9 та маҳаллий, 2 та халқаро журналларда мақола, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманлари материаллари тўпламида маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 167 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги очиб берилган, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб

этиш ва улардан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ўрганилиб замонавий ёндашувлар умумлаштирилган, кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий жиҳатлари, зарурати, иқтисодий асослари ҳамда кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий шакллари илмий таҳлил этилган.

Кичик бизнесга хорижий инвестициялар жалб этилишини илмий тадқиқ этишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни иқтисодиётга жалб этиш назарияларига таяниш хорижий инвестициялар орқали самарали иқтисодий ривожланиш йўналишларини ойдинлаштириб олишга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, ТТХИга оид назарий концепциялар трансмиллий корпорацияларнинг халқаро инвестиция фаолияти ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётига таъсирини асослашга имкон беради. ТТХИ тўғрисидаги назарияларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар бизга нима учун потенциал хорижий инвесторлар инвестициялашда маълум бир мамлакатни ёки худудни танлади ва у ёки бошқа шаклдаги инвестицияни амалга оширди каби саволларга асосли жавоб олишга имкон беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хорижий инвестицияларга кенг йўл очиш, қонунчилик барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар республика саноат ҳамда бошқа тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари инвестициялар ҳажмини ошишида муҳим омил бўлмоқда. Муаллиф томонидан диссертация ишида иқтисодиётга пандемия таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари тизимида кичик бизнес субъектларига инвестицияларни жалб этишнинг такомиллаштирилган механизмлари таклиф этилди (1-расм).




1-расм. Иқтисодиётга пандемия таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари⁶

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу занжирни ўз вақтида узиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқилди. Бу борада айниқса, кичик бизнес соҳасига хорижий инвестициялар жалб этилиши учун мамлакатимизда анчагина самарали механизмлар яратилган бўлиб, уларда инвестицияларнинг турли шаклларига йўл очиб берилаётганлиги баён этилиб, бу механизмлар инвестициялар турли шакллари оқимини таъминловчи чоралар, ҳаракатлар, қоидалар, тизимлар, тузилмалар йиғиндисидан иборатлиги асосланди. Мазкур механизм биринчи навбатда давлат ҳокимияти ишлаб чиқадиган инвестицияларни жалб этиш дастурлари амалга оширилишида намоён бўлади. (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес субъектларига инвестицияларни жалб этиш механизмлари⁷

Фикримизча, кичик бизнесга хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши механизмларида уч йўналишни ўзаро фарқлаш лозим

1. Молиялашни таъминловчи механизмлар.
2. Инвестициялар оқимига кўмаклашувчи инфратузилмавий ҳамкор ташкилотлар.
3. Алоҳида ҳудудлар ва тармоқларга инвесторларни жалб этувчи, давлат томонидан амалга ошириладиган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, имтиёзлар ва кафолатлар.

Молиялашни таъминловчи механизмлар. Уларга акциялаштириш (кичик бизнес субъектлари томонидан қимматли қоғозлар эмитентлик ҳуқуқини бериш, улар ихтиёридаги номоддий активлар қиймати даражасидаги кредит олиш ёки гаровга қўйиш), лойиҳавий молиялаш (кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларининг бир қисмини давлат – хусусий шериклик асосида давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш), венчур молиялаш (миллий ва ҳудудий венчур компанияларини ташкил этиш, бугунги кунда бундай тузилмалар сони мутлоқ кам бўлиб, 2020 йил ҳолатига кўра 3 та венчур компанияси ва 1 та венчур фонди фаолият кўрсатиб, улар

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

орқали иқтисодиётга 45,46 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилган⁸) ва давлат бюджетидан молиялаштириш киради.

Инвестициялар оқимига кўмаклашувчи инфратузилмавий ҳамкор ташкилотлар. Булар жумласига тижорат банклари ва нобанк кредит муассасалари, инвестицион фондлар, мақсадли жамғармалар, нотижорат ташкилотлари ва ассоциациялар (Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл», «Хунарманд» уюшмаси, турли тармоқларга мансуб маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ва бошқ.), консалтинг фирмалари кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ташқи ишлар ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихона ва ваколатхоналари зиммасига хорижий инвесторлар билан ишлаш мажбурияти юклатилганлиги ҳам ташқи алоқаларга тортилиш географияси ва кўлами чекланган кичик бизнес соҳасига ТТХИларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида ҳудудлар ва тармоқларга инвесторларни жалб этувчи, давлат томонидан амалга ошириладиган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, имтиёзлар ва кафолатлар. Кейинги йилларда мамлакатда тадбиркорлик муҳитини янада қулайлаштириш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Бу каби чора-тадбирлар мантиқий давоми сифатида, 2021 йилда кичик бизнес соҳасида 105 та фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатнома бериш тартиби бекор қилиниши, 115 таси бўйича эса соддалаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича ўрнатилган мораторий муддатининг 1 йилга узайтирилиши давлат харидлари тизимида тадбиркорлик субъектлари иштирокининг сезиларли даражада кенгайтирилиши (бугунги кунда 4 фоиз), давлат харидлари битимларида белгиланган аванс миқдорининг 30%га етказилиши, кўзда тутилган⁹. Бу эса кичик бизнес субъектларининг нисбатан ўрта ва йирик кўламдаги давлат харидларида иштирок этишидаги асосий муаммолардан бири – айланма маблағларни шакллантириш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашда ўзига хос роль ўйнайди.


Тадқиқот ишининг «**Наманган вилоятида кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида Наманган вилоятида кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ҳамда кичик бизнесга хорижий инвестициялар жалб этилишида устувор аҳамиятга эга инфратузилмавий таъминот тизими илмий таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига таянган ҳолда Наманган вилояти кичик бизнес соҳасида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги эконометрик моделлар асосида ўрганилган.

⁸ Д.И.Рўзиева. Венчурли тадбиркорлик – кичик бизнес субъектлари инновацион салоҳиятини оширувчи дастак сифатида. “Iqtisodiyot va innovatsiyon texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil, 132 bet.

⁹ <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Наманган вилоятида хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истиқболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Тадқиқ этилаётган даврда янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини оширишнинг ишончли манбаига айланган хорижий инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда.

2010-2020 йилларда Наманган вилоятида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг сарфланиш йўналишлари таркибида машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар Республика кўрсаткичига нисбатан ижобий тенденцияда ўсиб бормоқда (3-расм).



3-расм. Наманган вилояти иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг сарфланиш йўналишлари таркиби (%да)¹⁰

Республикада машина, ускуна, инвентар сотиб олишга инвестициялар 2010 йилда 37,8 фоиздан 2020 йилга келиб 53,4 фоизга ўсган бўлса, вилоятда 21,4 фоиздан 71,7 фоизга ёки таҳлил қилинаётган кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ўсишга эришилган. Ушбу ўсиш вилоятда курилиш монтаж ишлари салмоғининг 73,0 фоиздан, 25,0 фоизга пасайиши ҳисобига юз берди. Мазкур ҳолат вилоят иқтисодиётининг реал соҳаси корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ деб топдик:

рискли технологик ўзгаришларни амалга ошираётган ва инновацион фаолиятни ташкил этаётган кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг паст даражасини белгилаш ва солиқ таътилларини бериш орқали молиявий ҳолатини яхшилаш учун имконият яратиш;


юқори рискли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларининг махсус тизимини яратиш;

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларининг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

технологик асбоб-ускуналарни замон талабларига мослаштириш мақсадида хўжалик субъектлари вакиллариининг халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

Шунингдек, мазкур бобда Наманган вилояти кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибadorлиги омиллари тизимлаштирилиб, асослаб берилган ҳамда бу борадаги вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражалари баҳоланган. Таҳлилларга кўра замонавий шароитда Наманган вилоятида кичик бизнеснинг хорижий инвесторлар учун жозибadorлигини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда (4-расм).



4-расм. Наманган вилояти кичик бизнес соҳасининг инвестицион жозибadorлиги¹¹

Истеъмол бозори кенгайиб бориши нафақат уй хўжаликлари балки унумли истеъмолнинг фаоллашувини ифодалайди, буни кичик бизнес субъектлари сони динамик ҳарактерга эга эканлиги, уларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар улушининг ортиб бориши, кичик бизнес соҳасидаги турли-туманликни таъминлаш жараёнларининг фаоллашуви, юқори унумли технологияларнинг жорий этилиши кабилар билан изоҳланади.

Бутун дунё глобаллашуви шароитида жаҳон ҳамжамиятига тезкор интеграция, иқтисодий эркинлаштириш ва очиқ ташқи сиёсат устуворлиги муҳитида телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам, Ўзбекистонда телекоммуникация инфратузилмаларини фаол ривожлантириш давлат сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Ўтган 2020 йилнинг – «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» деб номланиши ва бу борада йирик кўламдаги давлат дастурининг амалга оширилиши бунга яққол мисолдир. Рақамларга эътибор

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қаратадиган бўлсак, алоқа тизими сифати ва ахборот ўтказувчанлик қобилиятини таъминловчи оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 2013 йилда 12,7 минг км.га тенг бўлган бўлса, бу, 2015 йилда 16,4 минг км.ни, 2018 йилда 24,5 минг км.ни, 2019 йилда 36,6 минг км.ни ҳамда 2020 йил ҳолатига 46,6 минг км.ни ташкил этиб, 2013-2020 йилларда 3,7 баробарга ошган¹².

Ўтказилган тадқиқотларга кўра жамият тараққиётида муҳим роль ўйновчи аҳолининг ўрта синф қатламининг кўпайиб бориш тенденциясига эга эканлиги, шу жумладан, уй хўжалиklarининг қимматли қоғозлар бозорига кириб келиши, корпоратив мулк улушининг ортиши, банкдаги аҳоли омонатларининг кўпайиши, тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши динамикасининг ошиб бориши каби мезонлар орқали намоён бўлиши кузатилди.

Республикада узоқ йиллар давомида табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш давлат мутлоқ монополияси ҳисобланиб, бу соҳага хусусий бизнеснинг тўғридан-тўғри фаолият кўрсатиши тўлиқ чекланган, ўз навбатида, табиий ресурсларни ўзлаштириш соҳасига хорижий инвестициялар ҳам фақат давлат лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилиниб келинган. Холбуки, мазкур соҳа жуда катта табиий ресурс захирасига эга Ўзбекистон учун – хорижий инвестицияларни жалб этишдаги энг самарали йўналишлардир бири ҳисобланади.

Қонунчилик тизимидаги ислохотларнинг бизнесни нивестицион жозибадорлигидаги ўрнини – эскирган, ўз аҳамиятини йўқотган қонун ҳужжатларини бекор қилиш, қонун ва қонун ости ҳужжатларини консолидациялаш (тарқоқ қонун ҳужжатларини бирлаштириш), қонун ва қонуности ҳужжатларидаги айни бир ҳуқуқий норманинг турли ҳужжатларда такрорланиши, «ҳуқуқий бўшлиқ» ҳамда «ҳуқуқий зиддият»ли ҳолатларнинг бартараф этилиши борасидаги чора-тадбирлар билан ифодалаш мумкин.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, тартибга солиш режимининг эркинлаштирилиши, тарифларнинг пасайтирилиши, иқтисодиётнинг телекоммуникациялар, суғурта, банк хизматлари, савдо, логистика ва бошқа тармоқлари учун инвестицияларга чекловларнинг олиб ташланиши фақат йирик корхоналаргагина эмас, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ҳам йўл очиб берди ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кенгайишини таъминлади.

Диссертант томонидан худуддаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг эконометрик таҳлили олиб борилиб, уларни ривожлантиришда омиллар самарадорлиги аниқланди. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнесда хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган «Тошбулоқ текс» ва «Намимпекс текстил» кўшма корхоналари фаолияти танлаб олинди ва уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (MIX)га, корхона экспорт салоҳияти (KES), корхона жами

¹² <https://mitc.uz/uz/stat/5>

ишлаб чиқариш харажати (JIX) ва асосий капиталга инвестиция (AKI)ларнинг таъсири натижасида ўзгаришининг 1-сценарийси бўйича эконометрик ва иқтисодий таҳлилини ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (MIX)га корхона ишчилар сони (KIS), ишлаб чиқариш қуввати (IchQ) ва асосий капиталга инвестиция (AKI)ларнинг таъсири бўйича 2-сценарий эконометрик таҳлилини амалга оширилди.

Еviews дастуридан фойдаланган ҳолда чизиксиз боғланиш кўринишида кўп омилли регрессия тенгламасининг коэффицентлари ҳамда регрессия тенгламаси ва коэффицентларнинг аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ушбу боғланишнинг белгиланган мезонлар асосидаги чегаралар доирасида эканлигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

«Тошбулоқ текс» ва «Намимпекс текстил» корхоналарининг 2 та сценарийлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгаришининг эконометрик моделлари¹³

№	Корхоналар	Сценарийлар	Жараён учун аниқланган модель ифодаси	t-statistika $t_{\text{жад}} < t_{\text{хис}}$ $t_{\text{жад}}=2,37$	F-Фишер $F_{\text{жад}} < F_{\text{хис}}$ $F_{\text{жад}}=8,887$	MAPE<20 TIC<1	DW≤2
1.	«Тошбулоқ текс»	1-сценарий	$MIX = 0,94 * KES + 0,95 * JIX + 0,41 * AKI - 423,9$ (1)	$t_{KES}=1,01$; $t_{JIX}=32,6$; $t_{AKI}=0,41$.	$F=2754,0$	MAPE=19,3<20; TIC=0,1<1	DW=1,996
		2-сценарий	$MIX = \frac{IchQ^{0,28467358} * AKI^{0,757} * e^{24,63}}{KIS^{4,18}}$ (2)	$t_{KIS}=-3,7$; $t_{IchQ}=0,45$; $t_{AKI}=7,5$.	$F=33,97$	MAPE=2,37<10; TIC=0,014<1.	DW=2,14
2.	«Намимпекс текстил»	1-сценарий	$MIX = 0,97 * KES - 0,12 * JIX + 0,98 * AKI + 16079,4$ (3)	$t_{KES}=4,9$; $t_{JIX}=-0,24$; $t_{AKI}=2,24$.	$F=61,2$	MAPE=3,49<10; TIC=0,009<1	DW=2,09
		2-сценарий	$MIX = \frac{IchQ^{0,48} * AKI^{2,552038}}{KIS^{1,4} * e^{1,87}}$ (4)	$t_{KIS}=0,298$; $t_{IchQ}=0,64$; $t_{AKI}=1,24$.	$F=32,7$	MAPE=1,64<10; TIC=0,0103<1	DW=2,143

Солиштирма афзалликларни ўзида ифода этадиган (1)-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, «Тошбулоқ текс» корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида тарзда 100 фоизга оширилиши, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўшимча мос равишда экспорт ҳажми орқали 94 фоиз, жами ишлаб чиқариш харажатлари асосида 95 фоиз ва асосий капиталга

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инвестиция ҳажми ҳисобидан 41 фоизга ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Аниқланган (2)-регрессия тенгламасига мувофиқ агар ҳозирги кунда «Тошбулоқ текс» корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати ва асосий капиталга инвестиция ҳажмини 1 фоизга оширилса, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча мос равишда 439,1 млн. сўм ва 21,2 млн. сўмга ошириш мумкинлиги асосланган. Шунингдек, корхонада ишчилар сонини бир нафарга камайтирилса, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча 35,3 млн. сўмга ошириш мумкинлиги билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида корхонада ишчиларга бўлган эҳтиёжни нисбатан йўқлигини ва талабнинг тўйинганлигидан далолат беради. (2)-модель натижаларига асосан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва қўшимча инвестициялар жалб қилиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора тadbирларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

(3)-регрессия тенгламаси шоҳидлик беришига кўра, агар «Намимпекс текстил» корхона экспорт салоҳиятини ва асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 1 млн. сўмга оширилса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча 0,97 млн. сўмга ва 0,98 млн. сўмга кўпайтириш имконини беради. Агар корхонада ҳозирги кунда жами ишлаб чиқариш харажатларини 1 млн. сўмга камайтиришга эришилса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 0,12 млн. сўмга кўпайиши исботини топди, бу ўз навбатида корхонада харажатлар сметасини қайтадан кўриб чиқиш ва экспорт ҳамда асосий капиталга инвестициялар ҳажмларини ошириш бўйича келгуси ишлаб чиқариш дастурларини режалаштириш талаб этилади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида аниқланган (4)-регрессия тенгламасини иқтисодий жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, агар корхонада ишлаб чиқариш қуввати ва асосий капиталга инвестиция ҳажмини 1 фоизга оширишга эришилса, у ҳолда «Намимпекс текстил» корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча мос равишда 182,5 млн. сўмга ва 62,9 млн. сўмга ошишига олиб келиши аниқланди. Агарда, корхонада ишчи кучини бир нафарга камайтирилса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15,3 млн. сўмга ошиши мумкин. Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, «Намимпекс текстил» корхонасида ҳам ишчи кучига бўлган талабни тўйинганлигини эътиборга оладиган бўлсак ва экспорт ҳажми ҳамда асосий капиталга инвестиция ҳажмини ошириш учун мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси устуворлигини эътиборга олган ҳолда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича маркетинг ва етук мутахассис билан таъминлаш, қайта тайёрлаш талаб этилади.

Диссертация ишининг «**Наманган вилоятининг кичик бизнес субъектларида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобда Наманган вилоятининг инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, вилоятга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва фойдаланиш самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияли кичик

бизнес корхоналарнинг роли ҳамда ҳудуд саноатида кичик бизнесни инновацион ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали фойдаланишнинг истиқболлари асослаб берилган.

Ҳозирда бир мамлакатда икки ҳуқуқ тизими тамоёили «Two systems in one country» асосида замонавий бизнеснинг ўзгариб борадиган эҳтиёжларини қондиришга мослашувчан, миллий суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таъсирдан холи бўлишни таъминлайдиган, шунингдек эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бевосита бошқариш мақсадини кўзламайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирдан холисликни таъминлайдиган алоҳида ҳуқуқий режим яратиш зарурияти ҳам мавжуд. Шу муносабат билан диссертант тажриба тариқасида «Наманган» эркин иқтисодий зонасида алоҳида ҳуқуқий режимни ўрнатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

